Матбуот палатаси
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 239 (5530).
18 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил
1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАРЧА МАМЛАКАТЛАРНИНГ ХАЛҚЛАРИ! ЯДРО УРУШИ ХАВФИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРИНГИЗ! ИМПЕРИАЛИЗМ, МИЛИТАРИЗМ ВА РЕВАНШИЗМНИНГ АГРЕССИВ КИРДИКОРЛАРИГА ҚАТЪИЙ ЗАРБА БЕРИНГИЗ! УРУШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТНИ КЕНГАЙТИРИНГИЗ ВА ЖИПСЛАШТИРИНГИЗ!

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ЖИЛОВЛАЙЛИК, КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШНИ ВА ТИНЧЛИКНИ ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси навбатдаги мажлисида 1984 йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планининг бажарилиш якунларини кўриб чиқди. Қора ва рангли металлургия, газ, озиқ-овқат, гўшт, сут саноати, маҳаллий саноат корхоналари планда кўзда тутилган йиллик суръатлардан илдам ишлаётганлиги қайд этиб ўтилди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиб-териб олиш борасида қизғин ишлар давом эттирилмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш ҳажмлари ошди. Шу билан бирга учинчи квартал якунлари белгиланган планларни бажаришда ҳали ҳамма жойда ҳам тегишлича қатъият кўрсатилмаётганлигидан далолат бериб турибди.

Марказий Комитет Бюроси область партия комитетларидан, министрликлар ва идораларнинг, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг раҳбарларидан 1984 йилги план ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши юзасидан тўла-тўкис чоралар кўришларини талаб этди. Бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари ўзларига қарашли корхоналарнинг ишидаги камчиликлар тезроқ бартараф этилиши учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилдилар. Партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик давомида меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни кучайтириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ошириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиясини тежаб-тергаш, барча сифат кўрсаткичларини яхшилаш зарурлигига алоҳида эътибор бериш таклиф қилинди.

Марказий Комитет Бюроси 1985 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани билан Ўзбекистон ССРнинг 1985 йилги давлат бюджети лойиҳаларини кўриб чиқиб, асосан маъқуллади.

Капитал қурилишнинг бориши ва шу тармоққа партия раҳбарлиги билан боғлиқ бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Асосий фондларни ишга тушириш, капитал маблағларни ўзлаштириш, Тошкент шаҳрида қурилиш-монтаж ишлари планлари қонқарсиз бажарилмоқда. Кўпгина шаҳарлар ва районларда уй-жойларни ҳамда социал-маиший объектларни қабул қилиб олиш тартиби бузилмоқда. Айрим партия комитетлари давлат интизомини бузаётган хўжалик раҳбарларига ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига нисбатан юз-хотирчиликка йўл қўймоқдалар. Баъзи қурилишларда ва бинокорлик саноати корхоналарида меҳнат, технология ва ишлаб чиқариш интизоми ҳамон паст даражада бўлиб, планлаштиришда ва бригадаларни материал-техника билан таъминлашда, меҳнатга ҳақ тўлашда, қурилиш сифатини рағбатлантиришда хатоларга йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси шаҳар, район партия комитетларининг, Советлар ижроия комитетларининг, министрликлар ва идораларнинг зиммасига қурилишда қатъий тартиб ўрнатиш, саноат ва уй-жой, граждан қурилишининг сифатини тубдан яхшилаш учун барча бўғинлардаги кадрларнинг масъулиятини ошириш юзасидан қатъий чоралар кўриш мажбуриятини юклади. Шу муносабат билан қурувчи бригадирларинг «Правда» газетасига йўллаган ва «Қурувчи шарафи ҳақида сўз» сарлавҳаси остида эълон қилинган хатига алоҳида эътибор жалб этилди. Шу мурожаатномани меҳнат коллективларида, ҳар бир бригадада кенг кўламда муҳокама этиш, тармоқнинг барча меҳнаткашларини ишсифатини оширишга отлантириш лозим. Ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни ҳамда капитал қурилиш масалаларини юзасидан партия ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш таклиф этилди. Тошкент шаҳрида монолит уй-созликни ривожлантириш тадбирлари белгиланди.

«КПСС XXVI съезди қарорлари асосида республикада мактабгача жамоат тарбиясини янада ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори Жиззах областида қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1984-1990 йилларда умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларини амалга оширишга доир комплекс плани асосан маъқулланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимликлар экспериментал биологияси институтида илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик, ташкилотчилик ва сиёсий ишларга доир бошқа масалаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарор қабул қилди.

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ «ВАШИНГТОН ПОСТ» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Америкада чиқадиган «Вашингтон пост» газетасининг Москвадаги бюроси раҳбари Э. Додер К. У. Черненкога мурожаат этиб, Совет—Америка муносабатларига —ана шу мурожаатда айтиб ўтилганидек, «Вашингтон пост» газетхонларинигина эмас, шу билан бирга бутун дунёдаги миллионлаб кишиларни тўлғинтираётган мавзуга тааллуқли саволларга жавоб қайтаришини илтимос қилди.

Қуйида К. У. Черненконинг жавоблари келтирилади.

САВОЛ. Президент Рейган ҚШ жуда кўп масалалар, шу жумладан қурол-яроғлар устидан контроллик масаласи юзасида Совет Иттифоқи билан мулоқотни яна бошлашга тайёр деб айтди. Совет Иттифоқи президент Рейган музокараларга тайёрликни қор этганлигига қандай муносабатда бўлади?

ЖАВОБ. Америка маъмурятининг музокараларга тайёлиги тўғрисидаги сўзларидан, бир ҳисобдан олганда, аммо бу сўзлар бирон марта ҳам реал ишлар билан эдиқланмади. Ана шундай ал ишлар муносабатларизда мавжуд бўлган лоақал ир масала —хусусан қуроллари чеклаш ҳамда уш хавфини камайтириш ҳасида адолатли ва ўзаро қбул асосда аҳдлашиб ишни ҳақиқатан ҳам истанликдан далолат берган олур эди.

Биз олға сураётган конет таклифлар эса ҳар гал авобсиз қолмоқда. Мисолр келтираман.

Шу йилнинг март ойида в бутун бир проблемалар мплексини айтиб ўтганиза мана шундай бўлган эди. Мазкур проблемалар юзасидан ёки лоақал уларнинг баъзилари юзасидан аҳдлашувга эришиш Совет—Америка муносабатларида ҳам ва умуман халқаро вазиятда ҳам реал силжишни билдирган бўлур эди. Аммо бизнинг таклифларимизга жавоб қайтаришдан бўйин товладилар, холос.

Июнь ойида биз космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш тўғрисида аҳдлашувни таклиф қилганимизда худди шундай бўлган эди. Бу гал бизга жавоб қайтаришди, лекин бу қандай жавоб эди? Музокаралар мавзунинг ўзини алмаштиришга уриниб кўрдилар, ядро қуролига тааллуқли масалаларни, яъни илгари Женевада музокаралар олиб борилган, аммо Қўшма Штатларнинг ўзи барбод этган масалаларни муҳокама қилишни таклиф этдилар. Бунда АҚШ Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилиши билан вужудга келтирилган ғовларни бартараф этишдан бош тортибгина қолмай, балки шундай ракеталарни жойлаштиришни ҳамон давом эттирмоқда.

Хўш, космос масаласи нима бўлди? Космосда қуролланишт пойгасига йўл қўймаслик ўрнига бизга бундай пойганинг қандайдир қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланиш, аслида бундай пойгага ошкора тус бериш таклиф қилинди. Биз бундай қила олмаслигимиз тушунарли, албатта. Ҳақиқатан ҳам космоснинг тинч бўлиши — бизнинг мақсадимиздир, зотан биз шу мақсадга қатъият билан эриша берамиз.

Фактлар мана шулардан иборат.

Энди президент Рейганнинг сиз эслатиб ўтган баёноти тўғрисида гапирмоқчиман. Президент музокараларга тайёрлик тўғрисида айтган гаплар шунчаки тактикавий найранг бўлмаган тақдирда шуни айтмоқчиманки, Совет Иттифоқи ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилади. Биз жиддий, амалий музокараларга ҳамиша тайёр бўлиб келдик ва бу ҳақда неча марталаб айтиб ўтдик.

Биз космос ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, жумладан йўлдошларга қарши системалардан батамом воз кечиш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқиш ва тузиш мақсадида музокаралар бошлашга, музокаралар бошланган кундан эса космик қуроллар синови ва уни жойлаштиришни ўзаро тўхтатиб қўйишга тайёрмиз. Биз авваллошданоқ ўз таклифимизни айни мана шундай таърифлаган эдик. Гап Вашингтонда қолди.

Ядро қуролига эга бўлган давлатлар ўзларидаги барча мавжуд ядровий қуролларни миқдор ҳамда сифат жиҳатдан кўпайтирмай қўйишлари тўғрисидаги Совет таклифи ҳам ўз кучида қолмоқда. Шу масала юзасидан аҳдлашиб олиш мавжуд ядровий аслаҳахоналарнинг барча қисмлари, жумладан эълтиш воситалари ва ядровий портловчи зарядлар кўпайтирилишини ўзаро тўхтатишни билдирган бўлур эди. Шу тариқа ядровий қуролланиш пойгаси тўхтатилган бўлур эди. Бу эса шундай қуролларни батамом тугатгунга қадар қисқартириш тўғрисида кейинги аҳдлашувларни ҳал қилувчи даражада енгиллаштирган бўлур эди. СССР билан АҚШ ўзларининг ядровий қуролларини кўпайтирмаслик тўғрисида биринчи навбатда ўзаро аҳдлашиб олишлари ва шу тариқа ядро қуролига эга бўлган бошқа давлатларга ўрнак кўрсатишлари ҳақидаги расмий таклифимиз ҳамон Оқ уйда турибди.

Ядро қуроли синовларини ёппасига ва батамом тақиқлаш тўғрисидаги битимни ишлаб чиқишни охиригача етказиш учун реал имконият мавжуд. Шундай синовлар ўтказилмаса, демак бу қурол такомиллаштирилмайди, ядровий қуролланиш пойгаси тўхтатиб қўйилади. АҚШ бунда ҳам ядро қуролларини чеклашни ёқлаб айтаётган гапларн самимийлигини амалда исботлай олиши мумкин бўлур эди. АҚШ буни ер ости ядровий портлатишлари тўғрисидаги Совет — Америка шартномаларини ратификация этиш билан ҳам исботлай олади. Бу шартномалар 1974 ва 1976 йиллардаёқ имзоланган эди. Америка томони айтаётганидек, портлатишларнинг ўзини холис қайд этиб борадиган кузатувчиларни таклиф этиш билан эмас, балки айни ратификация қилиш билан шуни исботлаш зарур.

Совет Иттифоқи Вашингтонга неча марталаб мурожаат этиб, биздан ўрнак олишга, ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик тўғрисида мажбурият қабул қилишга даъват этди. Ҳар гал у томондан «йўқ» деган сўз эшитила берди. Бунинг тескарисини бир тасаввур қилиб кўрайлик: АҚШ ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатмаслик хусусида мажбурият олиб, бизни худди шундай иш кўришга даъват этсаю, биз эса «йўқ», бу бизга тўғри келмайди, биз биринчи бўлиб ядровий зарба уриш ҳуқуқини сақлаб қоламиз, деб айтсак. Бу ҳолда АҚШдаги кишилар бизнинг ниятларимиз тўғрисида нималарни ўйлашлари мумкин? Бу хусусда икки хил фикр бўлиши мумкин эмас.

Мен қуролланиш пойгасини тўхтатишга, хавфсизликни мустаҳкамлашга тааллуқли бир қанча энг муҳим масалаларни айтиб ўтдим. Бошқа муҳим масалалар ҳам борки, улар президентга яхши маълум деб ўйлайман. Ана шу масалаларнинг ҳамма ҳал қилинишини, конкрет куч-ғайрат сарфланишини талаб этмоқда. Музокараларга тайёрлик тўғрисида амалий ишлар билан мустаҳкамланмаган сўзлар эса фақат сўзларгина бўлиб қолади, холос.

Мен айтиб ўтган гаплар саволингизга жавоб бўлади деб ўйлайман.

САВОЛ. Совет — Америка муносабатларини яхшилашга олиб келиши мумкин бўлган силжишга яқинда эришила бошланди, деган фикр кенг тарқалган. Шу хусусда Сизнинг фикрингиз қандай ва келгуси даврда бу муносабатларнинг истиқболлари қандай бўлади деб ўйлайсиз?

ЖАВОБ. Дунёда Совет — Америка муносабатларида яхшилик томон силжиш истагини билдирувчи кайфиятлар ҳақиқатан ҳам кенг тарқалган. Бу эса, бизнинг фикримизча, айниқса ҳозирги халқаро вазиятда шу муносабатларнинг аҳамиятини англаш тобора кучайиб бораётганлигини ифода этади.

Афсуски, Совет — Америка муносабатларида бундай силжишни ҳозирча факт деб айтиш учун асос йўқ. Силжишга эришиш мумкинми? Бу саволга ҳа, мумкин деб қатъий жавоб қайтараман. Мен юқорида айтиб ўтган проблемаларнинг ҳал этилиши бунга ёрдам берган бўлур эди.

Совет — Америка муносабатларини конструктив ривожлантиришдан бошқа оқилона йўл умуман йўқлигига ишончим комил. Бунда биз ижтимоий системаларимиз ҳар хил эканлигидан, дунёқарашимиз ҳар хил эканлигидан кўз юмаётганимиз йўқ. Аммо иккала мамлакатларимиз зиммасидаги масъулиятни ҳамиша ёдда тутган тақдирда, снёсатни урушга эмас, балки тинчликка қаратган тақдирда, бу тафовутлар ҳамжиҳатликка эришишга йўл қўймаслиги бир ёқда турсин, балки аксинча шундай ҳамжиҳатликка эришишни ҳам тақозо этади.

Мен шуни илгари ҳам айтиб ўтганман ва яна бир бор таъкидламоқчиманки, биз АҚШ билан яхши муносабатларда бўлиш тарафдоримиз, тажриба ҳам бу муносабатлар худди шундай яхши бўлиши мумкинлигидан далолат бериб турибди. Бунинг учун муносабатларни тенглик асосида, ўзаро манфаатни ва тинчлик иши учун фойда келтиришини кўзлаб қуришга иккала томоннинг истаги бўлиши зарур.

монгги газеталарда

17 октябрь куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР ташқи ишлар министри Ким Ен Нам билан учрашди.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида министрлар Совет — Корея муносабатларининг баъзи масалалари ва халқаро аҳволнинг актуал проблемалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Министрлар СССР билан КХДРнинг тинчлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб халқаро майдондаги баҳамжиҳат ҳаракатининг аҳамияти ортиб бораётганлигини таъкидладилар.

• • •

КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг таклифига биноан Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси Жамбин Батмунх 1984 йил октябрь ойининг охирларида амалий визит билан Совет Иттифоқига келади.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 15

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБЛАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Т. Каримов, М. Юнусовлар хабар киладилар.

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИЛИГИДА

Шу кунларда ҳаммаларнинг фикри-зикри пахтазорда, республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этиш учун кураш қизғин бораётган жасорат майдонида. Бу йилги пахта мавсумининг ўзига хос хусусияти шуки, у республикамизнинг ҳар бир шонли 60 йиллик юбилейи нишонланадиган даврга тўғри келди. Шунинг учун ҳам биз, коммунистлар бу йилги пахта йиғим-терининг масъулиятини чуқур ҳис этяпмиз.

Бизнинг Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коммунистлари, барча ишчилари ўзларини пахтакор деб ҳисоблаган ҳолда, ўз олдиларига муҳим вазифалар қўйдилар. Шунинг учун ҳам «оқ олтин» хирмонимиз қанчалик тез юксалса, шунчалик қувонамиз. Корхонамиз меҳнаткашлари аввалги йилларда қўриқ области пахтакорларига ишчи кучи ва техника воситалари билан сидқидилдан ёрдам бериб келган эдилар. Қўриқ пахтакорлари бундан астойдил миннатдор бўлган эдилар.

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида «Ташсельмаш»чилар Бекобод районидаги «Авангард» совхози пахтакорларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар ўнлаб коммунистлар етакчилигида терим суръатини кун сайин оширмоқдалар. Биз эса теримда актив қатнашаётган ҳамкасбларимизнинг ишлаб чиқариш нормасини ҳам бажаришга интилямиз. Чунки ҳаммамизнинг мақсадимиз битта: «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам ерда қолдирмай, она-Ватанга ёруғ юз билан рапорт беришдир.

М. ҚУШОҚОВ,
«Ташсельмаш» заводи 22-цехининг коммунистик меҳнат зарбдори.

ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ СТУДЕНТЛАРИ ПАХТАЗОРДА

Биз Тошкент фармацевтика институтининг ректори, профессор Ҳамид Ҳолматович Ҳолматовни пахтазорда, ҳашарчи студентлар орасида учратдик.

— Мана саккиз йилдирки, биз Жиззах областидаги Октябрь районига қарашли Охунбоев номли совхоз далаларида пахта теряпмиз, — дейди Ҳамид Холматович. Чўнқувар деҳқонлар билан ҳамкорликда иш тутиб, «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиштириб олишда ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Бу йил хўжалик далаларида институтимизнинг 1400 дан ортиқ студент ва ўқитувчилари меҳнат қилишмоқда. Утган ўн кун мобайнида қабул пунктига 800 тонна пахта топширилди.

Социалистик мусобақада Ҳ. Раҳматуллаев ва Ҳ. Усмонов бошлиқ бўлган биринчи курс студентлари байроқдорлик қилишмоқда. Р. Қамбарова, Г. Хушвақтова, Ф. Мусаева сингари студентлар ҳар кун эл хирмонига 250 килограмм ва ундан ошириб пахта териб тўкишмоқда. Уларнинг ҳар бири мавсум давомида олти тоннадан пахта теришга сўз беришган.

СУРАТЛАРДА: фармацевтика институти студентлари «оқ олтин» теримида.







«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА



Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 17 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Фарғона	1,52	80,53
Тошкент	1,93	77,62
Наманган	1,93	73,58
Андижон	1,51	72,60
Сурхондарё	1,65	67,03
Хоразм	2,07	63,05
Сирдарё	3,10	58,58
Самарқанд	1,54	52,81
Бухоро	0,94	50,79
ҚҚАССР	2,00	48,87
Жиззах	1,97	46,61
Навоий	1,30	45,44
Қашқадарё	1,11	34,90
Республика бўйича	1,70	60,23

ШАХМАТ

МОСКВА. Кеча бу ерда Союзпак уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг навбатдаги ўн тўртинчи партияси ўйналди. 16-юришда оқ доналар билан ўйнаган чемпионликка даъвогар Г. Каспаровнинг таклифи билан рақиблар дурангга розн бўлишди.

Шундай қилиб, матчда ҳисоб ўзгаргани йўқ —А. Карпов 4:0 ҳисобида ҳамон пешқадамлик қилмоқда. Ун партияда дуранг натижа қайд этилди.

• • •

ВОЛГОГРАД. Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе—И. Левитина матчининг 12-партияси кечиктирилгани ва шу партияда жаҳон чемпиони Чибурданидзенинг икки пиёдаси ортиқлиги ҳақида хабар қилган эдик. И. Левитина партияни давом эттирмай таслим бўлди. Шундай қилиб матчда Чибурданидзе 7:5 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти. Унга чемпионлик унвонини сақлаб қолиш учун қолган тўрт партияда бир очко тўплаш кифоя.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ҳамза номли Санъатшунослик институтининг бадиий — таъмирлаш лабораторнясида таъмирловчи ҳайкалтарош В. А. Лунев раҳбарлигида ноёб қадимий маданият ёдгорликларини мустаҳкамлаш, консервациялаш ва таъмирлаш ишлари бошланди. Археологии экспедиция Далварзинтепа шаҳарчасида қазилма ишларини олиб бораётганида бу ноёб обидаларни топишга муяссар бўлган эдк. Булар сопол ҳайкаллар бўлиб, мутахассисларнинг фикрнча қараганда эрамизнинг I—IV асрларига тааллуқлидир.

ОБ-ҲАВО

● **Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда** 21 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 13—15, эртага кундузи 25—27 даража иссиқ **бўлади.**

ТАКРОРИЙ СИЛКИНИШ

«Тошкент» марказий сейсмик станцияси 17 октябрь маҳаллий вақт билан соат 14 дан 52 минут ўтганда Назарбек эпзпзласининг такрорий силкинишини қайд этди. Зилзила Тошкент шаҳрида 3 балл атрофида, ўчоғида эса 4 балл куч билан сезилди. Иморатлар бузилмади, қурбонлар йўқ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ Қ. Ҳ. МАҲАМАДАЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕБЕЛЬ ВА ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Қудратилла Ҳикматиллаевич **Маҳамадалиев** Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1984 йил, 17 октябрь.

Партиявий иш услуб ва методларини такомиллаштирайлик

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида шаҳар ва район партия комитетларининг аппаратлари ходимлари билан «Ишларнинг услуб, форма ва методларини такомиллаштириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисида» кенгаш бўлиб ўтди.

Экономика ва маданиятни ривожлантириш, кишиларни тарбиялашга партиявий таъсир кўрсатишнинг асосий ҳал қилувчи йўналишларини илгари сурган ва бу масалаларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини, партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг ташаббусини ҳар томонлама ривожлантириш ишларининг форма ва методларини такомиллаштириш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш бўйича вазифаларни белгилаб берган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари шу кунларда бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларининг диққат марказида турибди, — деб таъкидлади кенгашни очаётириб, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари К. П. ДУДИН. — Давлат интизомини янада яхшилаш, кадрлар сиёсатини, партия органларининг иш услуб ва методларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар пленумдан кейинроқ кенг тус олиб кетди ва бир қатор ижобий ўзгаришлар қилишга ёрдам берди. Саноат планларини камайтиришга уриниш барҳам топди, план интизоми мустаҳкамланяпти. Июнь ойига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати 0,3 процент ошди, у 5,6 процентни ташкил этди. Эндиликда бу ютуқни фақат мустаҳкамлабгина қолмай, балки ривожлантириш керак. Ишни шундай олиб бориш зарурки, фақат 1984 йил ва умуман беш йиллик халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларигина муваффақиятли бажарилиб қолмай, балки меҳнаткашларнинг турар жой, кенг истеъмол буюмлари, маиший хизматга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш керак. Кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришга, давлат мулкини талон-тарож қилиш, кўзбўямачилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш, порахўрлик каби шармандали ҳолларга қарши кураш олиб бориш ишларини такомиллаштиришга катта эътибор бериладиган бўлиб қолди. Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин ўтган вақт ичидагина ана шундай қонун бузишлар учун 15 раҳбар қаттиқ жазоланди ва вазифасидан олиб ташланди. Шу билан бирга биз рўй-рост ва холисона айтишимиз керак, ки, шаҳар, район партия комитетларининг бўлимлари, кўпгина бошланғич партия ташкилотларида ҳам ишлашга нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатиш зарур. Ҳар бир шундай ҳодиса бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмоғи зарур.

Соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат кўрсатиш органларининг иши юзасидан ҳам шикоят, ариза, хатларнинг кети узилмаяпти.

Қишга тайёргарлик ҳам актив фаолиятни талаб этади. Бироқ, текшириш шуни кўрсатдики, «Главташкентстрой», 2-уйсозлик комбинати, «Висотстрой» ташкилотлари иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш бўйича планларни бажармаётирлар. «Шимолий» қозонхонани реконструкция қилиш иши чўзилмоқда. Газ қувурларини ётқизиш ишлари орқада қолмоқда. Аммо бу Киров, Собир Раҳимов, Акмал Икромов районларининг ходимларини ташвишга солмаётир.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг бориши шуни кўрсатаяптики, баъзи партия ташкилотлари коммунистларни актив ҳаётий позиция руҳида тарбиялашга етарлича эътибор бермаётирлар. Кўпинча партия ҳаётининг ленинча нормаларини бузаётган коммунистларга нисбатан либераллик қилинмоқда. Электр-механика техникумининг партия ташкилоти бунга мисол бўла олади. Бу ерда директор, коммунист Маҳмудов қилган суиистеъмоллар кўриб чиқилганда унга шунчаки виговор берилган, холос. Яхшики, Куйбишев район партия комитетининг бюроси партия ташкилотининг бу хатосини тузатди: Маҳмудовга қаттиқ виговор берди ва уни ўз вазифасидан четлаштириш масаласини қўйди. Аммо бизни шу нарса ташвишга соляптики, техникум коммунистлари талабчанлик қилмаганлар, принципсизликларини кўрсатганлар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қўйган вазифалар эса ахлоқий-маънавий кодексимизни хатлаб ўтаётган коммунистларга нисбатан муросасиз талабчанлик кўрсатишни талаб этади. Бинобарин, шу нарса хушёрликка чорлайдики, раҳбар ходимлар машиналарни пуллаш, ўз квартираларини ремонт қилишда қонунларни бузиш, бор-узумчилик жамиятига кириш ва бошқа таъмагирлик ҳолларига йўл қўйишни ҳамон давом эттирмоқдалар. Бу коммунист номига исноднинг ўзи. Давлатни алдамоқчи бўлаётган, ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилаётган, аҳлоқан нопок кишиларга нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатиш зарур. Ҳар бир шундай ҳодиса бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмоғи зарур.

ЭКОНОМИКАНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

Ю. А. АСЕПКОВ,
Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг биринчи секретари.

Экономикани ривожлантиришнинг муҳим масалалари — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, уни янада интенсивлашни ҳал этишга қаратилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолди. Унинг қарорлари бизни ишларнинг аҳволини янада чуқурроқ таҳлил этишга, камчилик ва нуқсонларни очиб ташлашга, уларга барҳам бериш йўлларини белгилашга даъват этди. Вазифа шундай қўйиляпти: меҳнат сифати ва унуми ташаббускорликни таъминлашга ёрдам берадиган иқтисодий ва ташкилий-сиёсий шарт-шароит яратиш керак. Бу борада олиб борилган ишлар ижобий натижалар берди. Бироқ, бизда ҳали фонд қайтими анча паст, «Узавторемонт» сингари корхоналар борки, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўла ишлатмаяпти. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун унга мотор заводи билан кооперацияга кириш тавсия этилди. Районда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантиришга катта эътибор қаратилди. «Электроаппарат» бирлашмасида иқтисодий эксперимент ўтказилаяпти.

Ишлаб чиқариш потенциалидан янада самаралироқ фойдаланиш вазифасини ҳал этаётириб, район партия комитети партия ташкилотлари олдига вазифаларни комплекс қўяётган бўлди. Масалан, ЖЭК ходимлари ва ички ишлар органлари партия ташкилотлари олдига барча ишламаётган лекин меҳнатга лаёқатли аҳолини қатъий ҳисобга олиш ва ишга жойлаштириш вазифасини қўйдик. Ишчи кучлари кўпайгани районда оммавий қурилиш филиалларини очиш имконини беради. Районда бригада усулини жорий этишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида Октябрь революцияси заводи, «Учқун» бирлашмаси партия ташкилотларининг иш услуб ва методлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Ижрони назорат қилиш ва текширишга, бошланғич партия ташкилотларида сиёсий-ташкилотчилик ишларига, экономиканинг барча соҳалари, айниқса бригадаларда партиявий таъсирни кучайтиришга кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди.

КАДРЛАРГА ТАЛАБЧАНЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Ф. Н. НАЖМИТДИНОВ
Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида таъкидланганидек, капитал қурилиш шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг энг қолоқ соҳаларидан биридир. Бу борадаги аҳволни яхшилаш энг аввало, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйишга, бригада усули таъсирини оширишга боғлиқлигини ҳисобга олиб, биз барча қурилиш ташкилотларида прораблар, участка, бошқарма бошлиқлари, бош инженерлар, мутахассислар ишини амалий ва ўртоқларча муҳокама қилдик.

Бу борада инженер-техник ходимлар, етакчи мутахассислар қайта аттестациядан ўтказилмоқда. Ҳар бир раҳбарнинг ўзига топширилган участкада ўз бурчини қандай бажараётгани кўриб чиқилди.

Район партия комитети бюросида уларнинг ҳисоботларини тинглаш ҳам шу тармоқ кадрларига талабчанликни оширмоқда. Уларнинг иш услуби тўғрисида, қўл остидагиларнинг фикрлари ва мулоҳазаларини ўрганиш ҳам ишларнинг аҳволини яхшилади. Бироқ, ҳисобот рақамлари ҳали кишини қувонтирмайди. Тўққиз ойда капитал қурилиш бўйича шу йилнинг кўпгина кўрсаткичлари бажарилмади. Капитал маблағларни ўзлаштириш ва асосий фондларни ишга туширш планларини бажармаётган ташкилотлар сони камаймаяпти. Тўғри, кейинги пайтда объектларни фойдаланишга топширишга нисбатан қаттиқ талабчанлик кўрсатиляпти. Аммо уларнинг сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Район партия комитети 2-йирик панелли уйсозлик комбинатини реконструкция қилишни тугаллашга барча манфаатдор ташкилотларни сафарбар эта олмади ва унинг муддати чўзилиб кетяпти. Меҳнат, социалистик интизомни мустаҳкамлаш бўйича партия ташкилотлари ва район партия комитети олиб бораётган ишлар ҳали республика пленуми талабларига жавоб бермаётир.

Ўзбекистон ССР «Минмонтажспецстрой» ташкилотларининг турар жойларидаги санитария-техника ишларини ўз вақтида бажармаётгани, зарур материаллар билан таъминламаётгани ҳам ишимизга таъсир қилаяпти. Ой охиридаги ҳайбаракаллачилик иш сифатига таъсир қилмоқда.

Қурувчи ва буюртмачилар олдида бу йил катта вазифалар турибди. Биз пленум қарорларига жавобан зарбдор меҳнат қиламиз, белгиланган режаларни бажариш учун барча чораларни кўрамиз.

ҚАТЪИЙ ҲИСОБДА

С. А. ХЎЖАЕВА,
Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари.

Область ва шаҳар партия комитетларининг пленумларида Фрунзе район партия ташкилотининг иш услуб ва формалари ҳали шу кун талабларига жавоб бермаётгани таъкидлаб ўтилган эди. Биз ўз фаолиятимизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида холисона таҳлил этиб, бундан тегишли хулосалар чиқардик ва бир қатор тадбирлар белгиладик. Энг аввало, биз район партия комитети аъзолари, сайланган актив билан суҳбатлар ўтказдик. Меҳнат коллективлари билан учрашувлар уюштирдик. Бошланғич партия ташкилотлари секретарлари иш кунларини таҳлил этдик. Район партия комитети аппарати иш услубини ўргандик. Таҳлил шуни кўрсатдики, ҳали ишимизда қоғозбозлик, чала иш қилиш, юзакичилик ва сийқалик кўп экан. Биз ўзимизни ўткинчи ишлар билан банд қилиб, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти билан чуқур шуғулланмадик. Кишилар билан ишлашни унутиб қўйдик. Шунинг учун ҳам биз ҳафталик планлар тузишга ўтдик. Ҳар сешанба кунини бошланғич партия ташкилотларига борадиган кун қилиб белгиладик. Ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари материалларини чуқурроқ таҳлил этадиган бўлиб қолдик. Бу айниқса актуалдир. Негаки, йиғилишларда планни барбод қилган, ошириб ёзган раҳбарлар ҳисоботлари кам тингланмоқда. Кейинги вақтда кўриб чиқилган йигирмата шахсий ишдан бирортаси ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинмаган. Бу ишлар фақат юқори партия органларига шикоят тушганидан ёки маъмурий органларга маълумот берилгандан кейингина кўриб чиқилган. Биз перспектив планларнинг реал бўлишига эътиборни қаратаяпмиз. Коммунистлар сонини кам бўлган партия ташкилотлари ишини такомиллаштиришга, район партия комитети пленумларида, партия ташкилотларига борилган чоғларда кўтарилган масалалар устидан назоратни кучайтиряпмиз. Бир сўз билан айтганда, биз шаҳримизнинг бошқа районлари ўртасида муносиб ўрин тутиш учун барча тадбирларни кўрамиз.

СИЕСИЙ ВА ИШЧАНЛИК СИФАТИГА ҚАРАБ

И. Г. ЧИЖЕНОК,
Тошкент шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорида таъкидлаб ўтилганидек, ходимларни сиёсий, ахлоқий ва ишчанлик сифатларига қараб тайинлашни таъминлаш, кадрларни чуқур ва мунтазам ўрганиб бориш энг муҳим вазифадир. Область, шаҳар, район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари муҳокамаси, меҳнаткашлар хат ва аризалари таҳлили шуни кўрсатадики, бу масала ҳаммани тўлқинлантиряпти. Шуни айтиш керакки, партия комитетлари ишга кўтаришда номзодларнинг ишчанлик, сиёсий сифатларига янада талабчанлик билан баҳо берадиган бўлиб қолдилар. Хўжалик ва маданий қурилишнинг жиддий қолоқликка йўл қўйилган участкаларини раҳбар кадрлар билан мустаҳкамлаш борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Кейинги йилларда «Ташпромстрой» бирлашмаси шаънига муҳим объектлар қурилиши бўйича планларни барбод қилганлиги учун жиддий танқидий сўзлар айтилган эди. Бу раҳбар кадрлар ва ўрта звено кадрлари фаолиятидаги нуқсонлар оқибати эди, албатта. Нисбатан ёш бўлган бу коллективда ҳозирча муносиб номзодлар йўқлиги учун шаҳар партия комитети Куйбишев район партия комитети билан биргаликда «Ташпромстрой»ни энг яхши қурилиш трестларининг маълумотли, ёш, истиқболли ходимлари билан мустаҳкамлашга қарор қилди. Зарурат шуни тақозо этди. Худди шундай, иш афсуски, тўқимачилик комбинатида, «Таштекстильмаш» заводида ҳозирча жуда тортинчоқлик билан бошланмоқда.

Хатога йўл қўймаслик учун ходимларнинг фазилатларини қандай баҳолаш керак? Пленумдан буён ўтган вақт ичида бизда бу борада самарали янгилик бўлдими?

Бизда ходимни яхшироқ билиб олиш учун характеристика, у ҳақдаги фикр-мулоҳазаларни олиш, суҳбат ўтказиш усуллари қўлланилмоқда. Бинобарин, характеристика, одатдагидек, кишиларнинг ижобий томонларинигина эмас, балки у йўқотиши лозим бўлган нуқсонларни ҳам акс эттирадиган бўлиб қолди. Кўпгина юзаки тарзда ёзиладиган характеристикаларга талабни ўзгартиришга бизни шу мажбур қилдики, 1983 йилда ва шу йилда ишдан четлаштирилган, шаҳар партия комитети номенклатурасида турган 15 ходимнинг иши сабаб бўлди. Уларнинг бирортасида бирон салбий хусусият кўрсатилиши у ёқда турсин, ҳатто бунга шама ҳам йўқ эди. Мана бир мисол. «Яхши ташкилотчи, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга катта эътибор беради, меҳнат интизомини бузувчиларга муросасиз, ўзига ва қўл остидагиларга талабчан, коллективни жипслаштириш, сафарбар этиш қобилиятига эга. Ҳурмат-эътибор қозонган. Атрофидаги ходимлар билан бир хил муомалада бўлади». Бу характеристика ким тўғрисида денг, партия сафидан ўчирилган ва жуда катта нуқсонлари учун вазифасидан олиб ташланган Круповлянский тўғрисида. Худди шундай лоқайд характеристика катта миқёсдаги порахўрлиги ва аҳлоқсизлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган Рауфхўжаевага ҳам берилган.

Шу йилнинг февраль ойида бизнинг бўлимимиз ташаббуси билан ишга кўтарилаётган номзодларни партия очиқ йиғилишларида муҳокама этиш бошланди. Бу практиканы Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область партия комитети қўллаб-қувватлади. Энди уни давом эттириш, бу тўпланган тажрибани совет ва хўжалик кадрларига ҳам қўллаш зарур. Кадрлар резерви билан ишлашга алоҳида эътиборни қаратиш керак. Унга киритилган кадрларнинг марксизм-ленинизм университетида ўқишига эришиш керак. Район партия комитетининг инструкторлари бюро, пленумларига масала тайёрлашга, хатларни, шикоятларни текширишга, конкрет топшириқларни бажаришга уларни жалб этиш лозим. Шундай қилиб, ходимларнинг сиёсий, аҳлоқий сифатларини ўрганиш иши, уларни қатъий ҳисобга олиш ва ишга кўтариш бизни иш услубини такомиллаштиришга, бошланғич партия ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлашга яна ва яна даъват этади.

ИНТИЗОМ ҲАММА УЧУН МАЖБУРИЙ

Т. Ф. МАРИШЕВ,
Тошкент шаҳар партия комитети қошидаги партия комиссиясининг раиси.

В. И. Ленин кўрсатиб ўтганидек, интизом шундай омилки, уни мустаҳкамлай бориб биз ҳар қандай вазифани бажара оламиз.

Шаҳар партия ташкилотимизда интизом тўғрисидаги масала нега бунчалик кескин қўйилаяпти? Шунинг учунки, шаҳар партия ташкилоти ишининг муайян босқичидаги ҳолат айрим раҳбарларнинг ўз хизмат мавқеларидан ғаразли мақсадларда фойдаланишига олиб келди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қарорлари асосида тартиб ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш бўйича қатъий иш олиб бориш бизнинг бурчимиздир.

Интизом бўшашувининг сабаби баъзи бошланғич партия ташкилотларининг бу масалани ҳал этишдаги роли пасайиб кетганидадир. Уларнинг кўз ўнгида социалистик мулкни ўғирлашлар содир бўлди. Коммунистларнинг ўз атрофидаги кишилар ахлоқи учун масъулияти ҳали юқори савияда эмас. Партиямиз эса коммунистлар доимо олдинги сафда бўлиши, ўрнак бўлиши лозимлигини уқдириб келмоқда. Бизнинг энг муҳим вазифамиз шундан иборатки, атрофимиздаги ҳар бир кишининг тарбияси, ахлоқи, меҳнати учун коммунистларнинг масъулиятини оширишимиз керак. Салбий кўринишларга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб боришимиз, кадрларни танлаш ва ишга қўйиш чоғида ҳар томонлама таҳлил этишга, оддий коммунистлар, меҳнаткашлар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга катта эътибор қаратишимиз керак.

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИДНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

А. Е. ВИКТОРОВ,
Октябрь район партия комитетининг иккинчи секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш тўғрисидаги талабларидан келиб чиқиб, районимизда бу ишнинг аҳволини таҳлил этдик. Натижалар қувонарли эмас. Кўпгина бошланғич партия ташкилотларида ҳужалик масалаларига оид танқидда конкрет айбдорларни кўрсатмаслик характерлидир. Район пленумларида ҳам танқид яхши аҳволда эмас. Асосан қуйи ташкилотлар шаънига танқидий фикрлар айтилади, холос. Бу эса шу кун талабига жавоб бермайди. Биз ишни шунинг учун бевосита ташкилотлардан бошладик. Ишчан, амалий танқид жуда яхши натижа беради. Яқинда бир министрликдаги ревизия комиссияси аъзолик бадаллари тўлашдаги тартиб бузилиши ҳолларини аниқлади. Биз партия ташкилотини, министрни иш юзасидан танқид қилдик. Яхши натижа берди. Партия ташкилоти мавжуд эҳволни таҳлил этди. Камчиликка барҳам берилди. Тўғри, ҳамма кадрлар ҳам танқидга шундай тўғри муносабатда бўлавермайди.

Масалан, «Таштрансспецстрой» трести партия комитетининг секретари Енбулаев танқидни ўзига оғир олди. Хатти-ҳаракатини тузатишга интилмади. У билан хайрлашишга тўғри келди. Район партия комитети бюросига киритилаётган қарорлар сони салкам учдан бир ҳиссага камайтирилди. Бу эса биз, инструкторларга бошланғич партия ташкилотларида ишлашга кўпроқ вақт ажратиш имконини бермоқда. Ҳар ҳафтада райкомнинг масъул ходимлари бошланғич партия ташкилотларига бормоқдалар. Райком бюроси аъзолари иштирокида корхоналарнинг партия йиғилишларида планлар бажарилишининг якунларини кўриб чиқиш, бўлим, цех, участка бошлиқлари, мастер ва бригадирлар билан суҳбат ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Инструкторларнинг ўқишига катта эътибор бериляпти. Шаҳар партия комитети райком инструкторлари учун семинар машғулотлари, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Бу уларнинг ижодий ўсишига ёрдам берган бўлар эди.

МАЖЛИСБОЗЛИК ЎРНИГА...

А. АЗИМОВ,
Сергели район партия комитети саноат бўлимининг инструктори:

Ҳар бир бошланғич партия ташкилотининг жанговарлигини ошириш кўп жиҳатдан район партия комитетларининг инструкторлари билан нечоғлик алоқа ўрнатишга боғлиқ. Мен, мана уч йилдан ошдики, шу бўлимда ишлаб келяпман. Очиғи, дастлабки пайтларда ўз ишимдан кўпинча қониқмадим. Справкалар ёзаман, майда-чуйда ишлар билан ўралишиб, энг муҳим нарсани унутаман. Таҳлил этсам, кундалик вақтимнинг тўртдан уч қисми райкомда ўтаркан. Бошланғич партия ташкилотларида жуда кам бўламан. Бу нормал ҳол эмас, албатта. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материаллари эълон қилингандан сўнг биз бу материалларни райком аппарати партия йиғилишида муҳокама қилдик. Мажлислар сони кескин қисқарди. Улар энди чўзиб юборилмайди. Қабул қилинадиган резолюциялар сони ҳам камайтирилди. Районда кейинги вақтда 8 та турли штаб тугатилди. Барча тадбирлар ишдан ташқари вақтларда ўтказилади. Район партия комитети бюросига киритилаётган қарорлар сони салкам учдан бир ҳиссага камайтирилди. Бу эса биз, инструкторларга бошланғич партия ташкилотларида ишлашга кўпроқ вақт ажратиш имконини бермоқда. Ҳар ҳафтада райкомнинг масъул ходимлари бошланғич партия ташкилотларига бормоқдалар. Райком бюроси аъзолари иштирокида корхоналарнинг партия йиғилишларида планлар бажарилишининг якунларини кўриб чиқиш, бўлим, цех, участка бошлиқлари, мастер ва бригадирлар билан суҳбат ўтказиш анъана бўлиб қолди.

Инструкторларнинг ўқишига катта эътибор бериляпти. Шаҳар партия комитети райком инструкторлари учун семинар машғулотлари, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш тўғрисидаги масалани ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Бу уларнинг ижодий ўсишига ёрдам берган бўлар эди.

СОВЕТ ТАШАББУСИ Т...

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМО...

АДАН. Яман Халқ Демократик Республикаси бутун инсоният манфаатларига мос келадиган совет тинчлик ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайди, деди Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси ва Бош министри А. Н. Муҳаммад. У 14 Октябрь революциясининг санаси муносабати билан нутқ сўзлаб, ЯХДР ССС Рнинг давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни камайтиришга қаратилган позицияси билан бирдам эканлигини тасдиқлади. Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ проблемасини бартараф этишга оид таклифлари, деб таъкидлади А. Н. Муҳаммад, Жанубий Яманда регионда чинакам тинчликка эришишнинг амалий негизи деб баҳоламоқда.

ЯХДР раҳбари Совет Иттифоқи мамлакатга бераётган ҳар томонлама ёрдам ва мададни юксак баҳолади. Жанубий Яман — Совет дўстлиги, деди у, республика халқининг социализм иши учун олиб бораётган курашида муҳим омилдир.

А. Н. Муҳаммад ЯХДРнинг халқаро майдондаги обрўси ўсиб бораётганлиги ҳамда унинг тинчлик, озодлик ва социал тараққиёт учун кураш...



Болгариядаги Плевна шаҳри рус-болгар дўстлигининг рамзи сифатида алоҳида тилга олинади. Бу ерда мамлакат озодлиги учун мислсиз жанглар олиб борилган. Халқ жасоратини ифодаловчи музей Москвадаги М. И Греков номли студия архитекторлари ва рассомлари ҳамкорлигида яратилган.

СУРАТДА: Плевна жангини акс эттирувчи панорама. ТАСС фотохроникаси.

Бирлик ва жипсликка даъват

КОБУЛ. Афғон халқи Апрель революцияси ҳақиқатини тобора кўпроқ англаб етмоқда. Афғонистон Халқ Демократик партияси билан республика революцион ҳукумати теварагига жипслашаётган афғон халқи эксплуатациядан ҳоли бўлган янги жамият барпо этмоқда, деди АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал. Давлат бошлиғи Каписа вилоятида яшовчи пошоон элати оқсоқолларининг жирғасида нутқ сўзлаб, АХДП билан АДР ҳукумати ўз фаолиятини бутун мамлакатда тинчлик ва осойишталикни тезроқ таъминлашга қаратаётганлигини уқтирди ўтди. Чет эллардан раҳбатлантирилаётган аксилинқилобчилар мамлакатда инқилобий бунёдкорлик жараёнига путур етказишга интилаётганликларини қайд этиб, Б. Кармал реакцияга қарши, Афғонистонда илғор социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш учун курашда Афғонистон территориясидаги барча халқлар, элатлар ва қабилаларни жипслаштиришга ҳамда уларнинг бирлигини мустаҳкамлашга даъват этди.

ЧАДДАГИ ВАЗИЯТ

ТРИПОЛИ. Нжамена режимининг бошлиғи Хиссен Хабре Абу—Деиа гарнизонида кўтарилган қўзголонни эътироф этишга мажбур бўлди, деб хабар қилади Ливиянинг ЖАНА ахборот агентлиги. ЧАД миллий бирлик муваққат ҳукуматининг (МБМҲ) радиостанцияси —Бардам радиосининг хабар қилишича, пойтахтдан 450 километр шарқда жойлашган ана шу катта гарнизон ҳарбий хизматчиларининг ғоят катта кўпчилиги у ерда авж олиб кетган қўзғолондан кейин ғарбпараст режимига қарши курашаётган МБМҲ кучлари томонига ўтган. Бу—кейинги ҳафталар ичида Нжамена қуролли кучлари сафларидан ёппасига қочишнинг кўпгина ҳолларидан биридир.

Армияда норозилик кўринишларидан қути ўчган Хиссен Хабре, деб таъкидлайди ЖАНА агентлиги, ҳарбий хизматчилар ўртасида одамларни қамоққа олди. Ажнабий интервентларнинг қўшинлари билан бир қаторда армия ҳам Хабре ҳукуматининг асосий таянчи бўлиб хизмат қилади.

Чаддан олинаётган хабарларга кўра, МБМҲ миллий озодлик армиясининг отрядлари кейинги вақтларда мамлакат жанубида актив жанг ҳаракатларини авж олдириб юбордилар, бу ерда улар Сарҳ ва Мунду шаҳарларини қуршаб олдилар.



Александрия— Мисрдаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳарда қўл учида кун кўрувчи оддий халқ эртадан кечгача қоринини тўйғазиш учун ҳаракат қилади. Шу боисдан шаҳарга яқин бўлган сув ҳавзаларида бир нарса тутиш иштиёқида бўлган ҳаваскор балиқчилар (кўпчилиги кечгача ушлаган балиқларини ўтказишга шаҳқат бармайди) балиқ одатнинг кучли совуқлашида.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ТАЪЗИМ

ЛАВҲА

Менинг назаримча ҳатто ўқитувчи бўлиб туғилмоқ керак.
М. И. Калинин.



Ўқитувчи — севимли устоз! Бу шарафли, кўп қиррали ва мураккаб касб эгаси, мураббийнинг маънавий олами олам қадар буюкдир. Ўқитувчи ёш авлоднинг билими ва тарбияси учун, унинг келажаги учун жавобгар шахсдир. У ўзининг бутун ақл-заковатини, билими ва талантини, юрак қўри ва умр-ҳаётини халқимизга ва шогирдларига бағишлайди. Ҳаетда ҳақиқий ўқитувчи ўз маҳорати ва билимдонлиги, ҳис-туйғуси, муомаласи, муносабати ва маданияти билан тарбиялаб, ёшларни ҳақиқатга ўргатади.

Ушбу фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, илк бор билим бериб, қўлимга қалам тутқазган, Ватанимни, халқимни, онажонимни севишга ўргатган азиз меҳрибон ўқитувчиларимни эслаб, уларга бош эгиб, таъзим қиламан. Ўз касбини ва вазифасини меҳр билан севиб, ҳар бир ишда ижодкор ва ташаббускор бўлиб, билим ва малакаларини такомиллаштириб бораётган ўқитувчиларни кўрганимда олам-олам қувонаман, севиниб кетаман. Октябрь районидаги «Известия» номли 38-мактабда неча йилдирки ўз меҳнати билан, киши-ларнинг сидқидилдан қилган эҳтиромига сазовор бўлиб ишлаб келаётган Саодат опа Меликулова ана шундай инсонлардан биридир. Саодат опа ўқитувчилар орасида ўзининг талабчанлиги, жон куйдириб, масъулиятни ҳис этган ҳолда ишлаши билан ажралиб туради.

Мактабда бошланғич синфларнинг тайёрлов группасида, дарс давомида ўтказган машғулотлари жуда қизиқарлидир. Ҳар бир темани ўқувчиларга содда тил билан, ҳаётий мисоллардан келтириб, ғоявий-бадиий таҳлил қилган ҳолда тушунтиради. 1983—84 ўқув йилида тайёрлов группасига қабул қилинган олти ёшли болалар, бу йил биринчи синфга келишди. Уларнинг ҳаммаси аъло баҳолар билан ўқишаяпти. Умуман олганда, биринчи синф маълумотини эгаллаб олишган.

Янги ўқув йили бошланиши билан бир неча ота-оналар келишиб, фарзандларни кеч қийналмасдан, мустақил уйга берилган вазифаларини яхши бажаришаётганини изҳор қилишди. Уз бурчини онгли равишда англаган, фидокор ўқитувчилар бу мактабда жуда кўп. Булардан Сония Мазитова, Турсуной Ёқубжонова, Кўпайсин Ваҳобова, Ёркиной Ваҳобова, Озода Азимова, Мирҳосил Ўлжаев ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ёш авлодга таълим-тарбия бераётган, илм-фан асосларини ўргатаётган фидокор ўқитувчиларни зиёкор, устоз-мураббий, дейминз. Ўқитувчиларни жонажон Коммунистик партиямиз, халқимиз доим эъзозлаб, уларга чексиз ғамхўрликлар кўрсатиб келишмоқда.

Мен ҳам азиз ўқитувчиларга эҳтиром билдириб, бир ҳаваскор рассом сифатида моҳир ўқитувчи Саодат Меликулованинг дарс машғулотларидан кичик лавҳани яратдим.

О. ХУДОЕРОВА.

• ЯХШИ ХИСЛАТ—ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

МУРОСА—ТУРМУШ ЛАЗЗАТИ

Мен яқинда марказий газеталардан бирида бокулик аёлнинг хатини ўқиб қолдим. Моддий томондан асло қийналмаслигига ишониб битта қизчаси билан эридан ажралган аёл кечиккан пушаймонларини ёзибди. Ҳақиқатан ҳам, у моддий жиҳатдан қийналмаса-да, онла энди маънавий жиҳатдан кемтик, ғариб эканлиги ҳақидаги армонларини айтибди. Мана, ўша хатдан қисқача кўчирма: «Қизим биринчи синфга борган биринчи куни мактабдан қайтгач шундай деди: «Ойи, ўқитувчимиз ҳаммадан кимлар билан яшашини сўради. Мен «Ойим иккаламиз яшаймиз», — дедим. Шунда мен илк бор энди қизим умрбод отасизлик азобини тортишини ҳис этдим. Бу азоб унинг қалбида чуқурлашиб, оғирлашиб бораверади. Шуни тушундиму, эрим билан ажралишим сабабларини ўйлаб кетдим. Мулоҳазасизлик, шошқалоқлик қилган эканман...».

Мана шу хат туфайли қоғоз, қалам олдим. Халқимизда: «Юрагинг йиғласа ҳам, кўзларинг кулиб турсин», — деган гап бор. «Яшаш керак қасдма-қасдига» дея иродали бўлишга ундайди шоир. Лекин... кўзингдан оққан ёш бошқа одамнинг шу хатони қайтармаслигига сабоқ, ибрат бўлса, бу кўз ёшини яширмаслик керакка ўхшайди менимча...

Мен онла мустаҳкамлигининг биринчи шартини салпал тушунгандайман. Лекин бу осонликча, бирданига бўлгани йўқ.

...Аввало ўзим севган касб бўйича оёққа туриб олай, дедим. Кейин кимларнидир ёқтирмадим ёки аксинча бўлди. Натижада ота-онам, қариндошлар анча ташвишланадиган ёшга етиб қолдим. Кутилмаганда бир дўстим сабаб бўлди-ю, бўйбасти ўзимга муносиб йигит билан турмуш қурмоқчи бўлдим.

Тўйдан кейин... Мана, бир йил бўлаяпти. Менга ишхонадагилар ҳам, қариндош-уруғлар ҳам «Ўтирган қиз ўрнини топибди», деб ҳавас қилишди. Гўё ғойибдан келган бахт шу эмиш. Мен кундан-кунга ўзимни хурсанд, хушбахт кўрсатаман. Аслида эса... рўзғорда ўтган кунлар юқорилаб бораётган сўқмоқ каби фақат қувонч, хотиржамлик олиб келмас экан. Ёшинг ўтган сайин табиатинг ҳам нозиклашиб, қатъийлашиб боришини ҳамма билади. Биз ҳам куёвим билан ўз фикрларимиз, ўз дунёқарашимиз, одат ва тутумларимиз борлигини, улар бир хил эмаслигини ва бу ўзига хосликларимиздан бирданига қутилиш, бир-биримизга мослашиш осонмаслигини биринчи ойдаёқ тушундик. Баъзи ишларда эримнинг фикрини сўрамаганим оғир ботганини кеч тушуниб қолардим.

Шундай ҳолатлар бир неча бор қайтарилганда, у мени гўё сўзсиз жазолади: уйга ҳар доимгидан кечроқ қайтди. Мен ўша куни ўтган воқеаларни ўйладим, эшик қўнғироғи босилгунча ич-этимни еб ташладим. Худди шу куни ўчакишгандай бир дугонам иш билан келиб қолди. Бир томондан ўйласанг, эрим ноҳақдай эди: ахир, мен уни атайлаб хафа қилмадим-ку. Одатим бўйича нимадир айтган, деган, қилган бўлсам, — бу ҳаммаси тушунмаганликдан, бир-биримизни ҳали яхши англамаганликдан-ку!

Кўнглимда зарра-зарра тўпланиб қолган гапларни ва бугунги ўринсиз жазони дугонамга айтиб кўнглимни бўшатгим келарди. Хўш, айтдим ҳам. Кейин нима бўлади? Шунда онамнинг бир одатлари ёдимга тушди. Ёшлигимизда нимадир сабаблар билан дадамнинг жаҳллари чиқса онам: «Нима десангиз ҳам, уришсангиз ҳам майли. Фақат уйга киринг, қўшнилар овозингизни эшитмасин»,— дердилар.

Онамнинг бу эҳтиётқорлик, тадбиркорликларининг маънисига энди етдим. Ҳозир дугонамга (у менга нечоғлик қадрдон бўлмасин) эримдан ҳасрат қилсам, эртага одамларга қайси юз билан хушнуд қарайман, эримнинг кўзига тик боқа олармиканман? Йўқ, албатта. Шунинг учун дугонамнинг саволига: «Бир жойда ишлари бор экан. Кечроқ қайтмоқчийдилар», — дедиму, енгил тортдим.

Баъзида бирор масалада бир-биримизни тушуниб олишимиз учун кунлар керак бўлди. Шундай пайтларда «Кўпни кўрган, ёши улуғлардан маслаҳат олсаммикин?»— деб ишхонамиздаги айрим аёлларга кўнгил ёришни ҳам ўйлайман. Лекин ўзим яхшироқ ўйлаб кўрсам, зеҳн солсам, ҳамма нарсани тушунишим мумкин-ку. Қолип эмас-ку, бир оиланинг сир-асрорлари иккинчисига мос келаверса. Озми-кўпми бирга яшаб, ҳали ўзим эримни яхши билиб ололмаяпману, уни бошқалар қаердан билсин?

Турмуш ўртоғим ҳақиқатан ҳам оғир-босиқ, ёшлигидан меҳнат билан ўсганлиги учун нон ушоғидан тортиб оддий буюмларгача қадрлайди. Бир ишни бошласа, тугатмагунча қўймайди. Онлада хурсандчиликни, ҳотиржамликни, саранжом-саришталикни яхши кўради. Шу фазилатлари туфайли у кўзимга ўт бўлиб, олов бўлиб кўринади.

Турмушда ҳаммаси бўлади-да! Биз бугунги онламиз дарвозасини биргалашиб очгунча узоқ йиллар бошқа-бошқа йўлдан, бошқа-бошқа одамлар ҳамроҳлигида, бошқа-бошқа турмуш тарзи, қисқаси, шахсий йўлимиз билан келдик. Энди бу «бошқа-бошқа»ларнинг икки кўнгилга муносибликларини топиб, тушуниб олгунча сабр-тоқат, мулоҳаза, вазминлик керак.

Мен дугонамнинг номини айтмай, онлада эр-хотиннинг тотувлиги, сабр-тоқатга, бири баланд келганда, бири пастроқ тушиб муроса-ю-мадора кераклигини назарга олиб бу хатни оқшомхонларга тақдим этдим!

М. УЛУҒОВА.



ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Яқинда уч орденли Қолмоқистон АССР шонли сана— Россияга кўнгилли бўлиб қўшилганлигининг 375 йиллигини нишонлади. Босиб ўтилган йўл шуни кўрсатдики, қолмоқ халқи улуғ рус халқи билан ҳамкорликда катта ютуқларни қўлга киритди. СССР халқларининг қардошлик оиласида эришилган зафарлар янада мустаҳкамланди. Йирик саноат корхоналари бунёд этилди. Механизациялашган қишлоқ хўжалигига асос солинди, маданий-маиший қурилиш янада юқори поғонага кўтарилди. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар ижодий союзларни ишлаб турибди. Мамлакатнинг бир қатор шаҳар ва қишлоқларига республикада етиштирилган гўшт, жун, тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари жўнатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: юқорида — Қолмоқистон АССР пойтахти Элиста шаҳрининг В. И. Ленин номли майдони, Пастда Троицкий районидаги Маданият уйининг «Жиргал» («Бахт») халқ ансамбли артистлари.



• Илм-фан—беш йилликка

ИХТИРОНИНГ ТЎРТ ХИЛ ФАЗИЛАТИ

Белоруссиялик олимлар порошокли металлургия методи билан ҳосил қилган алоҳида пишиқ алюминийдан ясалган деталлар «Белорус» тракторининг мотори пухта ишлашини таъминлайди. Дастлаб қараганда, бу ечимнинг сири содда кўринади: физиклар эритилган алюминий секундининг юз мингдан бир улушича онда қаттиқ ҳолатга ўтадиган қурилма яратдилар. Лекин металлни бундай ғоят тез совитиш маҳсулот сифатини оширишда технологлар қўлига янги-янги имкониятлар беради.

— Металлнинг хоссаларини яхшилаш учун унга ҳар хил нометалл қўшимчалар аралаштириб туришга тўғри келади,— дейди Белоруссия Фанлар академияси физика-техника институтининг ходими, техника фанлари кандидати А. Челишев. — Масалан, алюминийга кремний аралаштирилиши натижасида унинг пишиқлиги тез ортиб кетади. Аммо практика кўрсатганидек, мавжуд технологияда қотишма составига шундай аралашмадан бир неча процентдан кўпроқ қўшиб бўлмас экан. Чунки кристалланиш жараёнида кремний молекулалари бир-бирига яқинлашиб материалнинг пишиқлигини ёмонлаштирадиган аралашма ҳосил қилар экан. Биз қотишмани тез совутиш орқали алюминийнинг ҳар бир молекуласига мустаҳкам «йўлдош» — кремний молекуласини бахш этган бўламиз. Шундай қилиб, ярим кремнийдан иборат ғоятда пишиқ металл ҳосил қилиш мумкин бўлади. Келгусида ясаладиган «Белорус» тракторининг кўпгина деталлари айни шундай алюминийдан ишланади. Бундай тракторни яратиш программасида институтимиз қатнашмоқда.

Металлдаги лагирловчи қўшимча моддалар миқдорини ошириш мумкинлиги янглиқнинг бирдан-бир фазилати эмас. Бу жараён тезкор ўтганлигидан порошок ва деталлар тайёрлашда иш унуми ғоятда ошади, зарраларнинг алоҳида шакли туфайли маҳсулот пишиқлиги яна ортади. Бундан ташқари металл чиқитларидан шу жойнинг ўзида фойдаланиш проблемаси ҳал бўлади: жамики қипиқ ва кириндини цехнинг ўзидаёқ порошок ҳолига келтириш мумкин бўлади.

Мана шу фазилатлар туфайли бу янгиликни республика прибборозлик саноатида жорий этишга қарор қилишди. Олимларнинг тажриба саноат қурилмасидан ўрнак олиб, Белоруссия оптика-механика бирлашмасида технологик машина-ускуналар вужудга келтирилаяпти. Бу ускуналар фирмага кирувчи ҳамма заводларнинг эҳтиёжларини қондиради.

Д. ПАТИКО.

ЯНГИЧА АНЪАНАЛАРГА—КЕНГ ЙЎЛ

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ФАЙЗИ

(БЎЛГАН ВОҚЕА)

Ҳаётимиз ширин, замонамиз тинч, турмушимиз фаровон. Шундай ажойиб замонни, шундай тўкин-сочин турмушни яратиб берган жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукуматимизга тасаннолар, раҳматлар айтиб яшаяпмиз. Лекин, бебилиска-текин пул топиб, шу бойлик билан қуруқ обрў олмоқчи бўлаётган, исрофга, дабдабабозликка, маҳманликка йўл қўяётган баъзи кимсалар яхши анъаналаримизга доғ тушираяптилар. Шу маънода бир-икки воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Ёш бола эдим. У пайтларда тўйлар боғдорлар, деҳқонлар йиғин-терим ишларидан қутилган, кўплари шаҳарга кўчиб келишганда бўларди. Биз болалар учун тўйнинг қизиғи — «келин тушди» куни бўларди, чунки ловиллаб ёнаётган гулхан атрофида ўйин-кулгиларни бемалол томоша қилардик.

Бир сафар маҳалламизда бўлган ана шундай тўйда каттагина жанжал чиқди. Ўйин-кулги тугаб, биз тўйхонадан чиқиб кетаётган эдик. Кўча эшик тагида гирдигумдан келиб бир йигит тўй эгасининг гирибонидан олиб, силталаяпти. Қарасак, ҳалигина даврада ўйнаётган «яллачи»га қимзил ўттизталикларни қистирган одам.

— Нима гап ўзи?— сўрашди ундан.

— Сигиримнинг пулини қистириб юборибман, олиб бермасаларинг, тўйларингни азага айлантираман!— У телбаларча бақириб-сўкинарди.

— Кимсан ўзинг? Бу ерга қаердан келиб қолдинг!

— Ў-ўтиб кетвотувдим, тарақа-базм. Кирдим. Кайфчилик. Саккиз юз эллик сўлкавой-а... Олиб бермасаларинг, кўрасанлар.

Бўлди жанжал, бўлди тўполон. Тўй эгалари бу «хотам» йигитни қуда томоннинг одами деб, улар эса куёв томоннинг «бойваччаси» деб ўйлашибди. Хуллас, кўпчилик бўлиб, «яллачи»дан пулнинг ярим-ёртисини ундириб беришди (У ҳам осонликча «жон берадиганлардан» эмас экан). Шу куни «хотомтой» талайгина пулидан ажраб, устига-устак бадном ҳам бўлиб кетди. Куёв бечора тонготарга яқин чимилдиққа кирди...

... Мана, орадан ярим асрча вақт ўтди. Энди ҳозирги, янгича «келин тушди» ҳақида икки шингил гап. Авжи пишиқчилик палласи. Маҳалламиздаги зиёлилардан бири — Очил ака ўғлини уйлантирди. Кираверишда тўй комиссиясининг аъзолари ҳар нарсага кўз-қулоқ бўлиб ўтиришибди. Очил ака қўли кўксида, меҳмонларни кутиб оляпти. Столларга дид билан турли ноз-неъматлар, минерал ва шарбат сувлар қўйилган. Ҳеч қандай ичкилик йўқ! Ниҳоят келин келиб, базм бошланди. Давра раиси навбатни санъатчиларга берди. Улар бир жуфт ашула айтиб, лаб-лунжларини осилтирганча сўрига чиқа бошладилар.

— Якан нойи-ку, — ғудранди улардан бири.

— Майоб ҳам, — тўнғиллади бошқаси,— булар моянахўрларга ўхшайди.

Бу жаргон сўзларнинг маъноси «пул тушмаяпти», «ичкилик ҳам йўқ» деганлари экан. Меҳмонлардан бир-икки киши келиб-кетиб табриклашди. Улар яна ўртага таклиф қилинди. Бу гал ашулани шундай расвою-раддибало қилиб айтишдики, тўйхона гўё холодильникка айланди қўйди.

— Нега бундай қилишяпти? — деди Очил ака ўғлининг таажанг бўлаётганини кўриб.

— «Қистир-қистир» бўлмаяпти-да домла,— кулиб қўйди ёнидагилардан бири.

— Ахир 200 сўмга байлашиб келганман. Буларнинг битта ашуласи қанча туради ўзи? — жаҳли чиқди Очил аканинг.

Ҳартугур куёвнинг ёр-дўстлари — ҳаваскор йигитлар бири ялла айтиб, бири қизларни ўйинга тортиб, ўртани қизитиб юборишди. Куёвнинг ҳам, Очил аканинг ҳам чеҳралари ёришди. Тўй ширингина, файзли ўтди...

Лекин ўз иззатини билмаган анави отарчилар узун-қисқа бўлиб чиқиб кетишаётганида бу нусхаларни яқингинада бир йиғинда кўрганимни эсладим. Ўшанда ён қўшнимизнинг қудаси ғап бераётган экан, «бешўнта бўлиб келинглар», деб тайинлабди. Қўярда-қўймай туриб олди қўшним. Бордик. Бизни шинамгина бир уйга олишди.

— Биззи қудаларга зўрларидан айтиб берингларр, — ширакайф куда мана шу «санъатчи»ларни бизнинг хонага киритди. Уларнинг оғзи қулоғида — хурсанд. Биз учун энг яхши ашулаларни баланд авжда, жўшиб, завқланиб айта бошлашди. Сал ўтмай меъбон қуда кириб уларнинг олдига иккита эллиталикини ташлаб кетди. Кетидан унинг укаси, яна бир киши кириб икки-учтадан йигирма беш сўмлик қўйиб чиқишди. Негадир кўз олдимга «лоп» этиб сигир сотган йигит келди. Наҳотки булар ҳам сигир сотишган бўлса?! Йўқ-э!

Шу пайт бизнинг косагулимиз ҳам ёнидан битта йигирма бешталик чиқариб бўш тарелкага қўйди-да, ёнига узатди. Бошқалар ҳам унинг устига баҳоли-қудрат «атаган»ларини қўйишди. Ҳеч ким қатордан «қуруқ» қолмади. Тарелка қўлма-қўл ўтиб, ҳалиги «якан»лар ёнига борди. Улар мамнуният билан яна магнитофонни уйга кириб кетишди. Яна қўшиқлар авжда, яна қийқириқ!..

Бугун-чи? Бугун улар нега тўйхонадан попилтириқлари пасайиб, қовоқ-тумшуқлари осилиб чиқишди. Чунки отарчилар ҳамёнига «якан» тушмади.

Тўй-йиғинларимизда исрофгарчилик, дабдабабозлик, отарчилар чаккасига пул қистириш каби хунук, анъаналаримизга ярашмаган одатлар борки, бу кўпчиликни ранжитмоқда. Фаровон ҳаётимизда тўй-йиғинларни ихчам, камтарона, исрофгарчиликсиз ўтказишимиз, манманликка, дабдабабозликка йўл-қўймаслигимиз кишиларимизнинг энг яхши фазилат-ҳислати, анъаналаримиз кўркинчийи бўлади.

А. ЗАЙНИДДИНОВ,
республика халқ ижоди уйининг ходими.

Митти жониворлар

КАПАЛАКЛАР ЧИРОЙИ

Гул-гулзорда, чаманзорларда қанот қоқиб, ғимирлаб учиб юрган капалакларни кўрганда ҳафақат болаларнинг, балки катталарнинг ҳам кўзи қувончга тўлади. Капалаклар ҳам табиатнинг гўзаллиги-дир.

Олимларнинг ҳисобларига кўра, дунё бўйлаб 140 минг тури маълум. Ватанимиз территориясида уларнинг 12 минг тури учрайди.

Агар биз чўлдан баланд бўлмаган тоғ ёнбағирларига кўтарилсак, у ерда узоқ вақтгача гуллаб ётадиган гиёҳларни учратамиз. Бунинг сабаби ариқ ва бўлоқлардан шарқираб оқиб келаётган сувлардир. Бу жойларда Самарқанд чернушкаси, Девендра шаҳло кўзи, Эверсман қирра кўзлиги деган капалакларни учратамиз.

Тоғларнинг сой ва тик қирғоқларида вискотта сариқ капалаги, асил сариқ капалаклар ва бошқа турлари учрайди. Қалин ўтлоқларда феденченко айиқ қурти капалаги, феретиад ҳаворанг капалаги гулдангулга қўниб юради.

Тропик мамлакатлардан Ўрта Осиёга меҳмон бўлиб келадиган капалаклар ҳам бор. Масалан, кобра арвоҳ капалаги Ҳиндистондан учиб келади.

Ҳар йили олимлар фан учун янги бўлган капалак турларини кашф этмоқдалар. Кишини ҳайратда қолдирадиган шундай кашфиётлардан бири Қорақумда 1969 йилда содир бўлди. Даниловский томонидан топилган ва унинг номи билан аталган Даниловский одимчиси деган капалакдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, энтомологик (ҳашоратларни ўрганадиган фан) традициясига биноан энг чиройли капалаклар антик давр қаҳрамонлари ёки худолари—Гелиос, Девендра, Фератиадлар номи билан аталган.

Бизни қуршаб олган табиатнинг бир қисми—капалакларидир. Уларнинг кўплари ўсимлик гули нектари билан озиқланиб, ўсимликларни чанглатишга катта ёрдам беради. Ипак қурти ҳам капалакнинг боласи—қуртидир. Капалакларга озор бермаслик, уларни нобуд қилмаслик керак.

Қ. САМАДОВ,
биология фанлари кандидати, доцент.

ДАВЛАТ ҲИСОБИГА «ЭКСКУРСИЯ»ЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ВА ШАҲАР ГАИСИНИНГ ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЙДИ

Пахта йиғим-теримининг қизғин, долзарб маромн ягона мақсадга — «оқ олтин»нинг сўнгги чаноғигача Ватанга топширишга қаратилган. Ана шу мақсадга тезроқ эришиш учун минглаб шаҳарликлар бутун куч ва ғайратларини сафарбар этишаятн.

Ўзбекистон пойтахтини пахтакор хўжаликлар билан боғлашдек масъулиятли вазифани зиммасига олган «ҳаёт йўли» — Катта Ўзбек трактн ғоят серқатнов.

Ҳозир ГАИ инспекторларн пахта магистралларида хавфсизликни таъминлаш борасида аниқ ва батартиб ишлашяптн. Ишнинг аниқ маромига халақит бериши истаган ҳайдовчи ёки пиёданн учратиш қийин. Бевосита — йўқ. Билвоситачи! Бундай қондабузарлар анчагина сероб экан. ГАИ ходимларининг «Тошкент оқшомн» ва «Вечерний Ташкент» газеталари вакиллари билан биргаликдагн рейди пайтида биз бунга ишонч ҳосил қилдик. Рейдда ГАИ ходимларидан О. Кольцов, Ғ. Болтабоев ва Ж. Дадажоновлар ҳам актив қатнашганликларини айтиб ўтиш керак.

Пахта йиғим-терими-нинг шанба ва якшанба кунлари Сирдарё ва Жиззах областларига командировка қилинган тошкентлик-лар сони ҳайрон қолдирли даражада кескин ва кўпайиб-кетди. Бу ҳам нарса ғавғосини-командировкачилар» ўз ишларини кўргани ёки кўрмаганини тўғриси, ҳеч кимга айтиб ўтиришяпти. Нарса ҳам. Лекин...

Нима учун хизмат транспортида бориш-яптн?

Ушбу саволни Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигига қарашли 1-механизация бошқармаси бошлиғи С. Ивановга беришни истаймиз. У ўзини-ўзи «УАЗ—469Б» маркали «43—82 ТНА» номерли автомобилда Жиззах областнинг командировка қилиб бир қанча буйруқ ва справкаларни қалқон қилиб олган. Унинг айтишича, давлат автомобили пахтачилик совхозларидан бирига «озгина» айланиб кириб чиқса бўлаверар эмиш.

Агар С. Иванов ГАИ ходимларига ўз мақсадини очиқ айтган бўлса, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 4-трестнинг хўжалик ҳисобидаги кичик механизация участкасига қарашли «ГАЗ—24» «64—67 ТНЗ» номерли автомобиль ҳайдовчиси Р. Хабибулин бундай қилмади. У ўз бошлиғи, яъни механизация участкаси бошлиғи И. Исаевнинг командировка гувоҳномаларини инспекторларга рўкач қилди. Албатта адашган ҳайдовчи рафиқаси ва нима учундир сумкалардан бирида ётган янги инструкцияларни ГАИ ходимларидан веркитишга уринган келинойисини сафарга таклиф этишни унутмаган.

Энергетика министрлигига қарашли «Средазэлектросетьстрой» трести бош инженери Ж. Жаъфаров сабабини ўзи ҳам билмайдиган аварияни бартараф этиш учун давлат транспортида Жиззах шаҳрига кетаётган экан. У ҳамроҳ сифатида амакиваччаси Аблязовнинг рафиқасини ўзи билан олиб кетган.

Кўприк темир-бетон конструкциялари эксперименталь заводига қарашли «ГАЗ—24» «22—84 ТНА» автомобили ҳайдовчиси Р. Гушчин-нинг сўзларига ишониш эса анча қийин. Унинг айтишича, корхона директорининг махсус топшириғи билан ҳозир командировкада бўлган автомобилнинг ишини назорат этгани бораётган экан.

«ГАЗ—24» «27—19 ТНА» номерли автомобиль ҳайдовчиси Л. Зомернинг йўл варақасида машина республика энергетика министрлигининг «Таштеплосеть» корхонаси директори ихтиёрида эканлиги ёзилган эди. Салонда эса мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ходимлари-нинг аъзолари ҳар нарсага кўз-қулоқ бўлиб ўтиришибди. Очил ака қўли кўксида, меҳмонларни кутиб оляпти. Столларга дид билан турли ноз-неъматлар, минерал ва шарбат сувлар қўйилган. Ҳеч қандай ичкилик йўқ! Ниҳоят келин келиб, базм бошланди. Давра раиси навбатни санъатчиларга берди. Улар бир жуфт ашула айтиб, лаб-лунжларини осилтирганча сўрига чиқа бошладилар.

— Якан нойи-ку, — ғудранди улардан бири.

— Майоб ҳам, — тўнғиллади бошқаси,— булар моянахўрларга ўхшайди.

Бу жаргон сўзларнинг маъноси «пул тушмаяпти», «ичкилик ҳам йўқ» деганлари экан. Меҳмонлардан бир-икки киши келиб-кетиб табриклашди. Улар яна ўртага таклиф қилинди. Бу гал ашулани шундай расвою-раддибало қилиб айтишдики, тўйхона гўё холодильникка айланди қўйди.

— Нега бундай қилишяпти? — деди Очил ака ўғлининг таажанг бўлаётганини кўриб.

— «Қистир-қистир» бўлмаяпти-да домла,— кулиб қўйди ёнидагилардан бири.

— Ахир 200 сўмга байлашиб келганман. Буларнинг битта ашуласи қанча туради ўзи? — жаҳли чиқди Очил аканинг.

Ҳартугур куёвнинг ёр-дўстлари — ҳаваскор йигитлар бири ялла айтиб, бири қизларни ўйинга тортиб, ўртани қизитиб юборишди. Куёвнинг ҳам, Очил аканинг ҳам чеҳралари ёришди. Тўй ширингина, файзли ўтди...

Лекин ўз иззатини билмаган анави отарчилар узун-қисқа бўлиб чиқиб кетишаётганида бу нусхаларни яқингинада бир йиғинда кўрганимни эсладим. Ўшанда ён қўшнимизнинг қудаси ғап бераётган экан, «бешўнта бўлиб келинглар», деб тайинлабди. Қўярда-қўймай туриб олди қўшним. Бордик. Бизни шинамгина бир уйга олишди.

— Биззи қудаларга зўрларидан айтиб берингларр, — ширакайф куда мана шу «санъатчи»ларни бизнинг хонага киритди. Уларнинг оғзи қулоғида — хурсанд. Биз учун энг яхши ашулаларни баланд авжда, жўшиб, завқланиб айта бошлашди. Сал ўтмай меъбон қуда кириб уларнинг олдига иккита эллиталикини ташлаб кетди. Кетидан унинг укаси, яна бир киши кириб икки-учтадан йигирма беш сўмлик қўйиб чиқишди. Негадир кўз олдимга «лоп» этиб сигир сотган йигит келди. Наҳотки булар ҳам сигир сотишган бўлса?! Йўқ-э!

Шу пайт бизнинг косагулимиз ҳам ёнидан битта йигирма бешталик чиқариб бўш тарелкага қўйди-да, ёнига узатди. Бошқалар ҳам унинг устига баҳоли-қудрат «атаган»ларини қўйишди. Ҳеч ким қатордан «қуруқ» қолмади. Тарелка қўлма-қўл ўтиб, ҳалиги «якан»лар ёнига борди. Улар мамнуният билан яна магнитофонни уйга кириб кетишди. Яна қўшиқлар авжда, яна қийқириқ!..

Бугун-чи? Бугун улар нега тўйхонадан попилтириқлари пасайиб, қовоқ-тумшуқлари осилиб чиқишди. Чунки отарчилар ҳамёнига «якан» тушмади.

Тўй-йиғинларимизда исрофгарчилик, дабдабабозлик, отарчилар чаккасига пул қистириш каби хунук, анъаналаримизга ярашмаган одатлар борки, бу кўпчиликни ранжитмоқда. Фаровон ҳаётимизда тўй-йиғинларни ихчам, камтарона, исрофгарчиликсиз ўтказишимиз, манманликка, дабдабабозликка йўл-қўймаслигимиз кишиларимизнинг энг яхши фазилат-ҳислати, анъаналаримиз кўркинчийи бўлади.

А. ЗАЙНИДДИНОВ,
республика халқ ижоди уйининг ходими.

Пахта йиғим-терими-нинг шанба ва якшанба кунлари Сирдарё ва Жиззах областларига командировкалар-тошкентлик-лар сони ҳайрон қолдирли даражада кескин ошиб кетди. Бу ҳам нарса ғавғосини-командировкачилар» ўз ишларини кўргани ёки кўрмаганини тўғриси, ҳеч кимга айтиб ўтиришяпти. Нарса ҳам. Лекин...

Нима учун хизмат транспортида бориш-яптн?

Ушбу саволни Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигига қарашли 1-механизация бошқармаси бошлиғи С. Ивановга беришни истаймиз. У ўзини-ўзи «УАЗ—469Б» маркали «43—82 ТНА» номерли автомобилда Жиззах областнинг командировка қилиб бир қанча буйруқ ва справкаларни қалқон қилиб олган. Унинг айтишича, давлат автомобили пахтачилик совхозларидан бирига «озгина» айланиб кириб чиқса бўлаверар эмиш.

Агар С. Иванов ГАИ ходимларига ўз мақсадини очиқ айтган бўлса, Ўзбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлигига қарашли 4-трестнинг хўжалик ҳисобидаги кичик механизация участкасига қарашли «ГАЗ—24» «64—67 ТНЗ» номерли автомобиль ҳайдовчиси Р. Хабибулин бундай қилмади. У ўз бошлиғи, яъни механизация участкаси бошлиғи И. Исаевнинг командировка гувоҳномаларини инспекторларга рўкач қилди. Албатта адашган ҳайдовчи рафиқаси ва нима учундир сумкалардан бирида ётган янги инструкцияларни ГАИ ходимларидан веркитишга уринган келинойисини сафарга таклиф этишни унутмаган.

Энергетика министрлигига қарашли «Средазэлектросетьстрой» трести бош инженери Ж. Жаъфаров сабабини ўзи ҳам билмайдиган аварияни бартараф этиш учун давлат транспортида Жиззах шаҳрига кетаётган экан. У ҳамроҳ сифатида амакиваччаси Аблязовнинг рафиқасини ўзи билан олиб кетган.

Кўприк темир-бетон конструкциялари эксперименталь заводига қарашли «ГАЗ—24» «22—84 ТНА» автомобили ҳайдовчиси Р. Гушчин-нинг сўзларига ишониш эса анча қийин. Унинг айтишича, корхона директорининг махсус топшириғи билан ҳозир командировкада бўлган автомобилнинг ишини назорат этгани бораётган экан.

«ГАЗ—24» «27—19 ТНА» номерли автомобиль ҳайдовчиси Л. Зомернинг йўл варақасида машина республика энергетика министрлигининг «Таштеплосеть» корхонаси директори ихтиёрида эканлиги ёзилган эди. Салонда эса мева-сабзавот хўжалиги ва тайёрлов ходимлари-нинг аъзолари ҳар нарсага кўз-қулоқ бўлиб ўтиришибди. Очил ака қўли кўксида, меҳмонларни кутиб оляпти. Столларга дид билан турли ноз-неъматлар, минерал ва шарбат сувлар қўйилган. Ҳеч қандай ичкилик йўқ! Ниҳоят келин келиб, базм бошланди. Давра раиси навбатни санъатчиларга берди. Улар бир жуфт ашула айтиб, лаб-лунжларини осилтирганча сўрига чиқа бошладилар.

— Якан нойи-ку, — ғудранди улардан бири.

— Майоб ҳам, — тўнғиллади бошқаси,— булар моянахўрларга ўхшайди.

Бу жаргон сўзларнинг маъноси «пул тушмаяпти», «ичкилик ҳам йўқ» деганлари экан. Меҳмонлардан бир-икки киши келиб-кетиб табриклашди. Улар яна ўртага таклиф қилинди. Бу гал ашулани шундай расвою-раддибало қилиб айтишдики, тўйхона гўё холодильникка айланди қўйди.

— Нега бундай қилишяпти? — деди Очил ака ўғлининг таажанг бўлаётганини кўриб.

— «Қистир-қистир» бўлмаяпти-да домла,— кулиб қўйди ёнидагилардан бири.

— Ахир 200 сўмга байлашиб келганман. Буларнинг битта ашуласи қанча туради ўзи? — жаҳли чиқди Очил аканинг.

Ҳартугур куёвнинг ёр-дўстлари — ҳаваскор йигитлар бири ялла айтиб, бири қизларни ўйинга тортиб, ўртани қизитиб юборишди. Куёвнинг ҳам, Очил аканинг ҳам чеҳралари ёришди. Тўй ширингина, файзли ўтди...

Лекин ўз иззатини билмаган анави отарчилар узун-қисқа бўлиб чиқиб кетишаётганида бу нусхаларни яқингинада бир йиғинда кўрганимни эсладим. Ўшанда ён қўшнимизнинг қудаси ғап бераётган экан, «бешўнта бўлиб келинглар», деб тайинлабди. Қўярда-қўймай туриб олди қўшним. Бордик. Бизни шинамгина бир уйга олишди.

— Биззи қудаларга зўрларидан айтиб берингларр, — ширакайф куда мана шу «санъатчи»ларни бизнинг хонага киритди. Уларнинг оғзи қулоғида — хурсанд. Биз учун энг яхши ашулаларни баланд авжда, жўшиб, завқланиб айта бошлашди. Сал ўтмай меъбон қуда кириб уларнинг олдига иккита эллиталикини ташлаб кетди. Кетидан унинг укаси, яна бир киши кириб икки-учтадан йигирма беш сўмлик қўйиб чиқишди. Негадир кўз олдимга «лоп» этиб сигир сотган йигит келди. Наҳотки булар ҳам сигир сотишган бўлса?! Йўқ-э!

Шу пайт бизнинг косагулим

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ — ПАССАЖИРЛАР СТАНЦИЯСИНИНГ ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАЛАРИ СИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар сиз йўлда бошқа поездга кўчиб ўтиш истагида бўлсангиз тўғри плацкартали ва поездларнинг бурилиб қайтадиган пунктлари: Москва, Целиноград, Иркутск ва бошқа шаҳарлардан ортга қайтиш имконини берувчи билетга буюртма беришингиз мумкин.

Буюртма муддати 15 кеча-кундуздан 45 кеча-кундузгача.

Маҳаллий йўналишдаги: Наманган, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Душанба ва бошқа шаҳарлардан келадиган поездларга билет олишингиз мумкин.

Буюртма муддати 3 кеча-кундуздан 45 кеча-кундузгача.

Буюртмалар ҳар куни 8.00 дан 20.00 гача (маҳаллий вақт билан) **қабул қилинади.**

Буюртмалар бюроси телефонлари: 32-48-45, 32-49-31, 99-78-16, 33-41-04.

Имтиёз талонларига эга бўлмаган Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларидан буюртмалар умумий қоидаларда қабул қилинади. Имтиёз талонларига эга бўлганлар ўз гувоҳномалари номерини, шунингдек имтиёз талонларини (50 процент чегириш ёки бепул) айтишлари лозим. Билетни элитиб беришда кассир керакли талонни қирқиб олади.

Тўғри плацкартали ва ортга қайтиш имконини бермайдиган билетларга сентябрдан май ойигача буюртма бериш мумкин.

Буюртма муддати — 3-45 кеча-кундуздан иборат.

Бизнинг хизматимиздан фойдаланинг, вақтни тежанг!

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ҚИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

22 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ҲАЁТ, КЎЗ ЁШЛАРИ ВА МУҲАББАТ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий автори ва режиссёр — Н. ГУБЕНКО.

Ролларда: Ж. БОЛОТОВА, П. ШЧУРБАКОВ, Е. ФАДЕЕВА, Ф. НИКИТИН, С. МАРТИСОН, Н. ГУНДАРЕВА, Е. ЕВСТИГНЕЕВ ва бошқалар.



Кинодрама воқеалари бизнинг кунларимизда, аллақачон пенсия ёшидан ўтган кишилар яшовчи Ветеранлар уйида содир бўлади. Уларнинг зерикарли, бир турдаги ҳаёти бош врач вазифасига Варвара Дмитриевна тайинлангач янги мазмун касб этади, чунки у ўз вазифасини Ветеранлар уйини том маънодаги уйга айлантиришда деб билади.

У ўз қўл остидагилар билан суҳбатлашиш учун вақтини аямайди, эртадан кечгача уларнинг ҳаёти, қизиқишлари, севгиси, революцион ва жанговар ўтмиши тарихини берилиб тинглайди. Бош врачнинг бутун фаолияти — Уй эгаларининг орасида дўстлик, эзгулик муносабатларини қарор топтириш, улар ўзларини ёлғиз, ҳеч кимга кераксиз сезмасликлари учун тинимсиз интилишдан иборат.

Фильм авторлари кекса кишиларни нима тўлқинлантираётгани, замонавий жадал ҳаётимизда улар нималарга қизиқиши ва жамиятга қандай фойда келтира олиши тўғрисидаги масалаларга жавоб излайдилар.



«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.



ҚЎШИҚДАГИ МИСОЛИ



КАМТАРИН ЗАНГОРИ, ТЎҚ ЁКИ ЁРҚИН ҚИЗИЛ РЎМОЛЛАР ТАБИАТНИНГ БАРЧА РАНГЛАРИ АЖИБ ЖИЛОСИНИ НАМОЁН ЭТАДИ...

Пальто ёки камзул устидан елкага ташлаб қўйилган рўмол либосингизни янада кўркам кўрсатади. Салқин ҳавода эса совуқдан асрайди.

Кейинги вақтларда рўмол ва дуррачаларни ўрашда янгича услуб юзага келди. Улар бироз бошқача боғланяпти. Рўмолнинг узунроқ қисми кўкракка тушиб туради, қисқароқ қисми эса олдинда гулсимон тарзида танғилади. Рўмолдан шарқона чалма ёки жамалак сифатида фойдаланиш ёки бошқа кўплаб вариантларда танғиб юриш мумкин.

Рўмол кундалик либоснинг ўзига хос тўлдирувчиси ва кечки либос безагидир.

Тошкентдаги «УЧҚУН» тўқимачилик-галантерея бирлашмасида ишлаб чиқарилган енгил, иссиқ, сидирға ва гулли рўмолларни сиз шаҳар магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИ (телефон 41-54-21).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ВА РЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

БОСМАХОНАСИ

машиналар, ускуналар, товарлар ва бошқа оммавий ишлаб чиқариладиган буюмлар учун мўлжалланган пўлатга трафарет босма методи билан фирмали табличкалар тайёрлаб бериш юзасидан чекланмаган миқдорда

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Босмахона ўзи материалини тавсия қилади, табличкалар тайёрлаб бериш учун прейскурант бўйича ҳақ тўланади.

Бошқа шаҳарлардаги корхоналарнинг катта партияли буюртмалари темир йўл орқали жўнатилади.

Маълумотлар ва буюртмаларни расмийлаштириш юзасидан қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 32-78-94.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ

Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига, ҳам уларга тенглаштирилган шахсларга, ҳарбий хизматчиларга, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотларининг коллективларига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида тажриба тариқасида.



1984 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА

«АвтоВАЗобслуживание» Тошкент областлараро маркази томонидан

«ЖИГУЛИ ВАЗ-2105», «ВАЗ—2107» «ВАЗ 21063» ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРИ

СОТИЛАДИ

Автомашиналар корхоналар, ташкилотлар, район социал таъминот бўлимлари, район ҳарбий комиссариатлари ҳамда ҳарбий қисмларнинг раҳбарларидан тавсияномаси бўлган шахсларгагина сотилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ГОСКОМТРУД

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

Бюро сизнинг хоҳишингизни инобатга олган ҳолда сизни ишга жойлаштиришга яқиндан ёрдам беради. Корхоналар ва ташкилотлар тавсия этаётган меҳнат шароитлари ва меҳнат ҳақи, маданий-маиший шароитлар, ёлғиз ва оилавийлар учун ётоқхоналар борлиги, имтиёзлар тўғрисида ахборот беради.

ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГИЗ!

Бюро ихтиёрида шаҳардаги корхоналар, қурилиш ташкилотлари ва ўқув муассасаларида ишчи кучи ва ихтисосликларга эҳтиёж тўғрисида маълумотлар бор.

Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси хизматидан фойдаланингиз!

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт —Пролетар кўчаси, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти —2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти —Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22 квартал, 18-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ БАЗАСИДАГИ

32 (161)-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

18 ЁШГА ТЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТ-СОЗЛОВЧИСИ. Ўқиш муддати — 6 ойгача.

СИГАРЕТА ЧИҚАРИШ ҚУРИЛМАСИНИНГ МАШИНИСТИ. Ўқиш муддати — 3 ойгача.

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 проценти миқдорида пул мукофоти оладилар.

ЎҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Ўқишга кирган йигит ва қизларга ойига 72 сўм миқдорида стипендия берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти»; 21, 49-«э» автобусларнинг «2-нон заводи» бекатлари).

«ПРИБОРЛАР» САЛОНИ БИНОСИДА

25 ОКТЯБРЬ СОАТ 10.00 да

«СМ-4 оиласидаги митти электрон ҳисоблаш машиналари комплексларини ривожлантириш ва уларни халқ хўжалигида қўллаш масалалари. Электрон ҳисоблаш машиналарини функционал диагностикалаш»

мавзусида

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛАДИ

ДОКЛАДЧИЛАР — Москвадаги электрон бошқарувчи машиналар институти ва бошқариш проблемалари институти ходимлари.

БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАРНИ СЕМИНАР ИШИДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 2-уй. Маълумот учун телефонлар: 78-02-38, 78-03-43.

Самарқанд область Иштихон районидаги 7-ўрта мактаб томонидан **Қўчқоров Бегмурод Расулевич** номига берилган 146885 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Главташкентстрой» 4-Тошкент уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш конвейерлари бошқармаси касаба союз комитетининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Собир Раҳимов район халқ маорифи бўлими ва маориф ходимларининг район касаба союз комитети ҳамда 119-мактаб коллективи шу мактаб директори, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, район халқ маорифи Советининг аъзоси Д. Турсуновга онаси

Мушарраф САЪДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.



ТОШКЕНТ ОКШОМИ

— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета

(Газета бир йилда 300 марта)

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 3

Телефонлар: секретариат— 33-57-42; партия турмуши— 32-53-66; саноат —32-08-[illegible] —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; [illegible] ши ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий [illegible] ри — 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-[illegible] —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарвар[illegible] 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-[illegible] диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг [illegible] Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс [illegible]

Р—09514. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 [illegible]

ТВ

ПАЙШАНБА

18 ОКТЯБРЬ

● МТ I

18.00 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик турмуш тарзининг маънавий асослари».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кампучия: ўлимдан кейинги ҳаёт». Телефильм.
20.20 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 МТнинг «Олтин» фондидан. СССР халқ артисти С. Гиацинтова.
23.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Халқ куйлари.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Салом, «Дружба». Афғон болаларининг Туркманистондаги «Дружба» пионер лагерида дам олиши ҳақида ҳужжатли фильм.
21.00 Автомобиль спорти бўйича СССР чемпионати. Таллиндан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Тобольск кремлининг хазинаси». Тарих архитектура музей-қўриқхонаси ҳақида телефильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Пластика симфонияси». Хайкалтарошларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми (рус).
20.30 «Ахборот».
20.55 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». (такрорий).
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ҳаёт олами». Телефильм.
18.35 Реклама.
18.45 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Музиканинг яратилиши». Телефильм.
21.00 «Физкультура ҳамма учун». Ритмик гимнастика (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА

19 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Мультфильмлар.
10.05 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.15 «Театр директори». Фильм-концерт. В. Моцартнинг шу номли комик операси.
11.40 Телефильмлар: «Сўнгги пикетлар», «Семеречьелик овчи».
12.20 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 «Рус тили».
16.45 «Ажойиб лавозим». Телефильм.
17.15 «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни».
17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади (фортепьяно).
19.55 «Экранда — кинокомедия». «Қувноқ йигитлар».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Днепр». «Зенит» — «Қайрат» (йўқлама).
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 Ҳужжатли фильм.
11.05 — 11.35 «Антрактидага командировка». 5-кўрсатув.
12.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 Духовой оркестр чалади (Клин шаҳри).
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Пардубицкий Стипльчез» от спорти бўйича халқаро мусобақалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 А. Мишарин. «Ўғил билан беш суҳбат». Телеспектакль.
23.15 «Мультаккорд». Эстрада программаси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали олдидан.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» —«Шахтёр» (Донецк). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ёзувчилар — пахтакорларга».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Сержило экран». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига». Кинопрограмма.
19.00 Болалар учун фильм. «Солдатча».
19.40 «Лицей. 19 октябрь». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
20.50 Классик куй саҳифалари.
21.30 МТ II

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОКШОМИ